

IMPACT FACTOR: 8.2

ISSN: 2181-3337

---


International scientific journal

# Science and Innovation

2022 №4

D

BIOLOGY  
AGRICULTURE  
MEDICINE  
PHARMACETICS  
VETERINARY



**Academy of Sciences and Innovations  
International Scientific Journal Science and Innovation  
Series D Volume 1 Issue 4**

**Ilm-fan va innovatsiyalar akademiyasi**

**SCIENCE AND INNOVATION  
xalqaro ilmiy jurnali D seriyasi  
2022 yil 4-son**

**ISSN: 2181-3337**

**IMPACT FACTOR: 8.2**

*O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 27.04.2022 yilda olingan №1597 sonli guvohnomaga ega.*

*Jurnal Gruziyaning Universal Impact Factorida 8.2 ko'rsatkich bilan baholangan. Jurnalning ushbu soni **Index Copernicus, OpenAire, Directory of Research Journals Indexing, ZENODO, Cyberleninka va Google Scholar** xalqaro ilmiy bazalarida indekslandi.*

*Barcha maqolalar jurnalning elektron ilmiy bazasi (**scientists.uz**) ga joylashtirildi.*

*OAK tomonidan dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan jurnallar ro'yxatidagi xorijiy jurnallarda chiqarilgan maqolalar sifatida rasman tan olinadi.*

*Asos:*

*1) O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati 3-sahifasi. – Toshkent: 2019. -160b.*

*2) OAK ning 13.06.2022 yildagi №01-07/1368 sonli javob xatida keltirilgan OAK ishchi guruhining xulosasi.*

**Toshkent 2022**

## ГЎДАКЛИКНИНГ ОЛТИ ОЙЛИК ДАВРИДА ТРАХЕЯ ВА БРОНХЛАР ДЕВОРИ ТЎҚИМА ТЎЗИЛМАЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК КУРСАТКИЧЛАРИ

**Султонов Равшан Комилжонович**

Тошкент тиббиёт академияси Анатомия, Клиник анатомия кафедраси

**Содиқова Зумрат Шавкатовна**

Тошкент тиббиёт академияси Анатомия, Клиник анатомия кафедраси

**Юсупова Шахнозахон Абдукарим қизи**

Тошкент тиббиёт академияси Анатомия, Клиник анатомия кафедраси

**Арсенова Мухаббат Абдумўмин қизи**

Тошкент тиббиёт академияси Анатомия, Клиник анатомия кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6896482>

**Аннотация.** Ушбу мақолада гўдакликнинг олти ойлик давридаги трахея ва бронхлар девори тўқима тўзилмаларининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини тахлили келтирилган. Текиширув Республика паталогик анатомия марказида 2020-2022 йил келган олти ойгача бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Гўдаклар бир ойлик даврдан, 6 ойгача даврда қопловчи эпителийсиз кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланаётган тўқимага, тоғай халқалари сийрак хондроидли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

**Калит сўзлар:** гўдак, трахея, бронх, морфологик, морфометрик, тоғай халқа, Гемотоксиллин-эозин, Шик, Ван-гизон.

## МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ ТКАНЕВЫХ СТРУКТУР ТРАХЕИ И СТЕНКИ БРОНХОВ В ШЕСТИМЕСЯЧНЫЙ ПЕРИОД МЛАДЕНЧЕСТВА

**Аннотация.** В данной статье перечислены морфологические и морфометрические показатели тканевой обструкции трахеи и стенки бронхов в шестимесячном периоде младенчества. Экспертиза проводилась в Республиканском центре патологической анатомии на трупе младенцев в возрасте до шести месяцев, которые родились в 2020-2022 годах. Доказано, что у младенцев с месячного возраста до 6 месяцев покровный эпителий из многорядного становится однослойным, частная пластинка превращается из несформированной соединительной ткани в формирующуюся ткань, а у таежных народов из разреженной хондроидной и клеточной структуры превращается в мелкоклеточную плотную хондроматозная ткань.

**Ключевые слова:** младенец, трахея, бронкс, морфологический, морфометрический, таежное кольцо, гемотоксиллин-эозин, Шик, Ван-гизон.

## MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC INDICATORS OF TISSUE STRUCTURES OF THE TRACHEA AND WALL OF THE BRONCHI IN THE SIX- MONTH PERIOD OF INFANCY

**Abstract.** This article lists the morphological and morphometric indicators of tissue obstruction of the trachea and the wall of the bronchi in the six-month period of infancy. The examination was carried out at the Republican Center for pathological anatomy on the corpse of infants under six months, which came 2020-2022. It has been proven that infants from a one-month period, up to 6 months, the covering epithelium is one-layer from multi-row, the private

*plate turns from unformed connective tissue into a forming tissue, and the Taiga peoples turn from a sparse chondroid and cellular structure into small-cell dense chondromatous tissue.*

**Keywords:** *infant, trachea, bronx, morphological, morphometric, Taiga ring, hemotoxilin-eosin, Shik, Van-gizon.*

## **КИРИШ**

Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра дунё тиббиёт соҳасида болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1%ташқил қилмоқда. [1]

Ҳозирги вақтда трахеабронхиал дарахтни зарарланишларида энг ишончли усул қилиб замонавий эндоскопия қулланиб келинмоқда, бу бизга бронх дарахтини зарарланиш чегараларини, ҳолатини ва шиллик қаватини емирилиши ҳақида ахборот бера олади. [2-3] Лекин морфологик тузилиши ҳақида тулиқ ўрганилмаган.

Сўнгги йилларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси сезиларли даражада ошди ва буни тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд майда зарарловчи заррачалар таъсирида нафас олишни салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Экологик таъсирнинг соғлиқга таъсири пренатал даврда ҳавонинг ифлосланишига, айниқса ўпка бронх органогенезига таъсир қилиши мумкин. [4-5-6].

Постнатал онтогенетик ривожланишда каламушларнинг трахея ва асосий бронхларининг киприкли ва бакалсимон шаклидаги эпителий туқима хужайраларининг миқдорий тузилишини қиёсий баҳолаш учун рус олимлари томонидан тадқиқот ўтказилган.(Павлов А.В., Есев Л.И. 2017).[7] Аммо болаларда трахея, бронх дарахти морфометрик тузилиши тўлиқ ўрганилмаган.

Одамнинг бош бронхларидаги безларни тақсимланиши, тузилиши ва миқдорий кўрсаткичларни ўрганиш масалаларига олимлар гуруҳининг (С. В. Клочкова, Т. А. Акматов, Н. Т. Алексеева, Д. Б. Никитюк 2021) илмий мақолаларида келтирилган. [8]

ЖССТ маълумотлари бўйича пульмонология бўлимига тез тиббий ёрдам билан келтирилган болаларнинг 40% гача бўлган қисми бронхообструктив синдромли беморлар бўлиб ҳисобланади.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2020-2022 йил келган олти ойгача бўлган гўдаклар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак туғма нуқсонлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Ўлим сабаблари ва асосий касаллик суд тиббиёт ва патологик анатомия хулосаларида аниқланган. Текширув материаллари ўпканинг қуйидаги қисмларида олинди: яъни трахея, ўнг ва чап ўпка ташқи ва ички бронхларини булак бронхларидан терминал бронхларигача очиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), умумгистологик ва гистокимёвий усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёрланди. Уларни гемотокселин-эозин, Шик, Ван-гизон усуллари билан бўялди.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Текширув учун барча гўдакларда трахея (бўғиз), иккала ўпкасида ҳам ўпка бўлак




**1-расм.** Гўдаклар ўпкаси, 3 ойлик давр. Штангенциркуль ёрдамида экстрапульмонар бронхларни улчамини олиши.

бронхлари, бўлакчаларичи бронхиоласи, терминал бронхиола, респиратор бронхиола бевосита ўпка тўқимасида жойлашган бўлиб, уларнинг диаметрлари ўлчанди.

Гўдакларнинг 6 ойлик даврида трахея, яъни бўғиз девори қатламлари тез ўсганлиги кузатилади. Трахеянинг тоғай халқалар тўқимаси зичлашиб, тоғай моддаси кўпайиб, хужайралари камайганлиги, таркибидаги хондроцитлар олдинги даврларга нисбатан юқори даражада шаклланганлиги, оралиқ хондронид моддага нисбатан камайганлиги, атрофидаги бириктирувчи тўқима тутамлари зичлашганлиги аниқланади.

6 ойлик даврда трахеянинг шиллиқ парда бириктирувчи тўқимали хусусий пластинкаси олдинги даврга нисбатан зичлашган, таркибида толали тузилмалар миқдори кўпайганлиги аниқланади. Хусусий пластинка таркибида бу даврга келиб майда қон томирлар сони кўпайганлиги ва кенгайганлиги кузатилади (2-расм).



**2-расм.** 6 ойлик давр. Трахея, тоғай зичлашган, шиллиқ ости қават безлар такомил топган, қопловчи эпителий бир қаватли шаклга ўтган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.

**МУҲОКАМА**

**Ўпка бўлаклари бронхлари.**

*6 ойлик давр.* Текширувнинг бу даврига келиб, ўпка бўлаклари ичи бронхлари найсимон шаклини сақлаганлиги, узунлиги бироз чўзилганлиги, яъни ўртача  $4,4 \pm 0,9$  см, бўшлиғининг кенглиги ўртача  $0,26 \pm 0,2$  смни ташкил қилганлиги аниқланди. Девори юқалиги сақланиб қолади, тоғай халқалари нисбатан такомил топганлиги, девори юққа ва юмшоқлиги аниқланади. Тоғай халқалари бир-нечта бўлақлардан иборатлиги аниқланди.


**Бўлақчаларичи бронхиоласи. 6 ойлик давр.**

6 ойлик гўдақлар ўпка бўлақчаичи бронхиолани микроскопик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ўпка тўқимаси сегментлари орасида жойлашганлиги кузатилди. Тоғай халқалари бронхларга нисбатан фарқ қилиб, асосан алоҳида-алоҳида жойлашган қатта ва кичик бўлақлардан иборатлиги кузатилди.

**Терминал бронхиола. 6 ойлик давр.**

Тадқиқотнинг 6 ойлик даврида терминал бронхиола девори тузилмаларини микроскопик тарзда текшириш шуни кўрсатдики, бундан олдин даврларга нисбатан қопловчи эпителийсиз юқалашганлиги, ўлчамлари кичиклашиб, призма шаклга кирганлиги кузатилди. Қопловчи эпителий хужайралар ядролари нисбатан тўқ бўялганлиги ва бетартиб ҳолда жойлашганлиги кузатилди.

Гўдақларнинг 6 ойлик даврида терминал бронхиола деворидаги бириктирувчи тўқима толали тузилмаларини гистокимёвий усулда текшириш шуни кўрсатдики, қопловчи эпителийдан кейинги ташқи қавати атрофидаги альвеоляр тўқимага тутшиб кетган ҳолда нисбатан кўпайгани ва зич ҳолда жойлашган пикрофуксин билан мусбат бўялган толалардан иборатлиги аниқланди. Ушбу бириктирувчи тўқима толали тузилмалари бронхиола атрофидаги қон томирлар томонига келиб нисбатан қалинлашгани ва қон томир девори бириктирувчи тўқима толалари билан қўшилиб кетганлиги аниқланади (3-расм).



**3-расм.** Терминал бронхиола. 6 ойлик давр. Бронхиола деворида пикрофуксин билан мусбат бўялган толалар кам, қон томирлар атрофида кўплиги аниқланади.. Бўёқ: ван-Гизон усули. Кат: 10x40.

**1-жадвал**

**Текширувмиздаги 6 ойлик гўдақларда ўпкаларидаги бронхларнинг ўлчамини аниқланди.**

Чап	Бўлак бронх	сегментар бронх	субсегментар	терминал бронх
-----	-------------	-----------------	--------------	----------------


ўпка	бронх			
Юқори бўлак	2100± 45 мкм	1160±50 мкм	480± 10 мкм	200± 10 мкм
Пастки бўлак	1900± 30 мкм	1400± 120 мкм	980± 27 мкм	340 ± 8 мкм

*2-жадвал*

Ўнг ўпка	Бўлак бронх	сегментар бронх	субсегментар бронх	терминал бронх
Юқори бўлак	2030± 40 мкм	1100±34 мкм	420± 10 мкм	180± 10 мкм
Ўрта бўлак	1880± 35 мкм	1250±60 мкм	600± 12 мкм	250± 9 мкм
Пастки бўлак	1750± 24 мкм	1400±120мкм	980± 27 мкм	340 ± 8 мкм

*1-диаграмма*

**Гўдаклар эрта постнатал даври динамикасида бўлак бронхи девори қатламлари тўқима тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичлари**



### ХУЛОСА

Гўдаклар бир ойлик даврдан трахея бронхлар девори барча қатламлари яхши такомил топмаган тўқималардан иборатлиги, олти ойгача даврда қопловчи эпителийси кўп қаторлидан бир қаватлиги, хусусий пластинкаси шаклланмаган бириктирувчи тўқимадан шаклланаётган тўқимага, тоғай ҳалқалари сийрак хондройдли ва хужайрали тузилишдан майда хужайрали зич хондроматоз тўқимага айланиб бориши исботланди.

### REFERENCES

1. Сатвалдиев Р. Х, Ешниязов Д. Д, “Ўзбекистон статистика ахборотномаси” илмий электрон журнали.2019 йил, 2-сон.

2. Ермолаева М.М. Клинико-морфологическая характеристика изменений дыхательной системы при ингаляционной травме в периоде ожогового шока: Автореф. дисс канд. мед. наук. — СПб, 2004.
3. Шлык И.В, Крылов К.М. Лечение поражений дыхательных путей у пострадавших с комбинированной термической травмой: Учеб. пособ. под ред. проф. С.Ф. Багненко. — НИИ скорой помощи им. И.И. Джанелидзе. — СПб, 2003.
4. Клочкова С.В., Акматов Т.А., Алексеева Н.Т., Никитюк Д.Б. Бронхиальные железы: возрастные, регионарные и индивидуальные особенности строения. //Журнал анатомии и гистопатологии. 2021;10(3):47-52.
5. Insa Korten, Kathryn Ramsey, Philipp Latzin. Air pollution during pregnancy and lung development in the child. *Paediatric Respiratory Reviews* 21 (2017) 38–46.
6. Cindy T. McEvoy, MD, MCR, Eliot R. Spindel, MD, PhD. “Pulmonary Effects of Maternal Smoking on the Fetus and Child: Effects on Lung Development, Respiratory Morbidities, and Life Long Lung Health”. *Paediatr Respir Rev.* 2017 January 21.
7. Павлов А.В., Есев Л.И. Сравнительная характеристика количественных параметров реснитчатых и бокаловидных эпителиоцитов трахеи и главных бронхов крыс в постнатальном развитии. //Журнал анатомии и гистопатологии. 2017;6(2):62-67.
8. Михайлова Д. Д., Рычкова А. А. Структурная и электронно--микроскопическая характеристика лёгкого человека в эмбриональном и раннем фетальном периодах пренатального онтогенеза//Актуальные проблемы теоретической, экспериментальной, клинической медицины и фармации. Материалы 51-й Всероссийской научной конференции студентов и молодых ученых. 2017.-Издательство: РИЦ "Айвекс".- С.188-189.



## Mundarija

Sobirov Javoxir Xayrulla o'g'li, O'ktamov Murodjon G'afur o'g'li, ATMOSFERA HAVOSINING IFLOSLANISHINI NATIJASIDA INSON SALOMATLIGIGA TA'SIR QILUVCHI GEOGRAFIK OMILLAR (XORAZM VILOYATI MISOLIDA)	7
Sobirov Javoxir Xayrulla o'g'li, Ozodova Muxlisa Po'lat qizi, XORAZM VILOYATIDAGI SHO'R VA OQAVA SUVLARINI TABIIY YO'L BILAN TOZALASH USULLARI	10
Saminov Avazbek Alimardon o'g'li, Ismoiljonova Durdona Erkinjon qizi, Kamoliddinova Iroda Toxirjon qizi, DORIVOR MOMORDIKA YETISHTIRISH VA O'SIMLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	14
Abdulloyeva Mohinur Shavkatjonovna, CHOOSING PRODUCTIVE AND BARROW-RESISTANT BARLEY VARIETIES FOR IRRIGATED LANDS	19
Sarvinov Mirzo qizi Yusupova, O'ZBEKISTONDA BALIQLARNI INTRADUKSIYA QILISH VA ULARNING IQTISODIY AHAMIYATI	28
Nasiba Saidhaydar qizi Islomova, SUG'ORILADIGAN ALLYUVIAL TUPROQLARNING SUV FIZIK KIMYOVIY XOSSALARI	33
O. O Ibragimov, Qodirova Shahlo Ithomjon qizi, QISHLOQ XO'JALIGIDA ENERGIYA RESURSLARIDAN FOYDALANISH	37
Умид Мамадаминович Бозоров, А.Ш. Хонов, Маржона Туракулова, СОВРЕМЕННЫЕ ТЕОРИИ ДИАБЕТОГЕНЕЗА И ПРОИСХОЖДЕНИЯ БОЛЕЗНИ	42
Хайдаркул Сохибназар углы Худойназаров, Фаррух Еркинович Ташпулатов, Шамсия Сохибназаровна Исмоилова, Маржона Зулфикор кизи Туракулова, ОСОБЕННОСТИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ НЕЙРОПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У БОЛЬНЫХ ЭПИЛЕПСИЕЙ (ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ)	48
Khayriniso Juraeva Shavkat qizi, THE OZONE LAYER AND LIFE	54
Шокирова С.М, Рахимова Камола Йўлдошали кизи, ҲОМИЛА ИЧКИ ИНФЕКЦИЯЛАНИШИДА БАЧАДОН ВА ЙЎЛДОШ ГЕМОДИНАМИКАСИ ЎЗГАРИШЛАР ОЛДИНИ ОЛИШ	59
Султонов Равшан Комилжонович, Содикова Зумрат Шавкатовна, Юсупова Шахнозахон Абдукарим кизи, Арсенова Мухаббат Абдумўмин кизи, ГЎДАКЛИКНИНГ ОЛТИ ОЙЛИК ДАВРИДА ТРАХЕЯ ВА БРОНХЛАР ДЕВОРИ ТЎҚИМА ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ MORFOLOGIK VA MORFOMETRIK KURSATKIЧЛАРИ	63
Jumaboyev B.Y, Erdonova Mahliyo Mustafoulovna, SUV RESURSLARINI MUHOFAZA QILISH VA ULARDAN SAMARALI FOYDALANISH	69
Ахмедова Маглюба Олимхон кизи, Юсупбаев Р.Б, Пулатова Г.А, ПРИМЕНЕНИЕ ИММУНОГЛОБУЛИНА ПРИ ВНУТРИУТРОБНЫХ ИНФЕКЦИЯХ ВО ВРЕМЯ БЕРЕМЕННОСТИ	74
Алиев М.А., Тилавкулов М.С., Холмуродова Х.Х., Худайбердиева Д.А, Туропов М.К., ЗНАЧЕНИЕ БИОМАРКЕРОВ ПРИ ПОРАЖЕНИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ (ЛИТЕРАТУРНЫЙ ОБЗОР)	83
Убайдуллаев Фарход Бахтияруллаевич, Хантов Фарход Джураевич, Шарабаева Ирода Шокир кизи, Абдивосиев Жавохир Асомиддин ўгли, АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ВА ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ САЙИЛГОҲ ХУДУДИНИНГ ТОШКЕНТ ВОҲАСИ УЧУН БАЛАНСИ ВА ЯШИЛ ЭКИНЗОРЛАРИГА ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАНЗАРАЛИ ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ	95
Meliboeva Sh.Sh., THE FIRST HEALING AND BOTANICAL GARDENS ON THE TERRITORY OF MODERN UZBEKISTAN	101
Chutbayeva Farida Bobaqulovna, SURXONDARYO SUV XAVZALARIDAGI BALIQLARNING KASALLIKLARI	106
Saydullayeva Madina, STORING GRAPES AT HOME	112
Safarov Askarbek Asadullaevich, Saydullaeva Madina Elyor qizi, PREPARING GRAPE JUICE FOR THE WINTER	115
Safarov Askarbek Asadullaevich, Saydullaeva Madina Elyor qizi, MEDICINAL PROPERTIES OF GRAPES AND GRAPE JUICE	118
Акмалжон Жураев, Дилнозахон Камбарова, Ортикали Исмоилов, Бурхонджон Очилов, ВЛИЯНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА РОСТ И РАЗВИТИЕ ИМПОРТА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ	121
Rasulova Marguba Ilkhamovna, OCCUPATIONAL DISEASES, THEIR CAUSES AND PREVENTIVE MEASURES	125
Jumanazarova Dinora Jumanazar qizi, OROLNING KECHAGI VA HOZIRGI EKOLOGIK HOLATI	129
Abidova Mavjuda Ikramovna, TIBBIYOT TERMINLARINI AMALIY XORIJIIY TILDA O'QITISH METODIKASINI ISHLAB CHIQUISH MODELINING ZARURATI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH	133
Abdullayeva Xuriyatxon Zafarbekovna, G'O'ZANING HOLATI VA ASOSIY ZARARKUNANDALARI BILAN ZARARLANISH DARAJASINI NAZORAT QILISH, PROGNOZLASHTIRISH VA BOSHQARISH	137
Бекчанова Мохирахон Худайберган кизи, Бекчанова Мунира Худайберган кизи, ФАУНА И БИОЛОГИЯ РОДА DRASTERIA COVOK (LEPIDOPTERA: NOCTUIDAE.) КАРАКАЛПАКСТАНА	143
Махмудов Т.Х, Адиллов Б.Ш., Қодирова З.Н., АРПАНИНГ САРИҚ ПАКАНАЛИК ВИРУСИ ШТАММЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ ВА МОЛЕКУЛЯР ДИАГНОСТИКАСИ	147
Saminov Avazbek Alimardon o'g'li, Ismoiljonova Durdona Erkinjon qizi, Rahmataliyeva Mohidil Ithomjon qizi, DORIVOR SUT QUSHQO'NMAS O'SIMLIGINING FOYDALI XUSUSIYATLARI VA UNDA OQILONA FOYDALANISH	155
Aliyeva Navro'za Valijon qizi, DUNYOGA HAVF SOLAYOTGAN EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI	160
Uktam Eshtemirovich Khujanazarov, ECOLOGICAL ANALYSIS OF COENOTIC POPULATION OF THE SPECIES TULIPA FOSTERIANA AND ALLIUM JESDIANUM IN THE SOUTHERN PART OF UZBEKISTAN	163
Parmanova Nigora Atabayevna, THE INFLUENCE OF THE ECOLOGICAL ENVIRONMENT ON THE BODY OF WOMEN OF REPRODUCTIVE AGE	170
Ismailova Arofat Mirzakhidovna, THE IMPORTANCE OF EPIDEMIOLOGICAL PROCESSES IN EMERGENCY SITUATIONS	175
Mirzayorova Sevara Ubaydullayevna, IMPROVING THE EFFICIENCY OF ACCUMULATION OF COLDNESS IN AGRICULTURE	180
Ibrohimova Yulduz Baxodir qizi, ICHKI SEKRETSIYA BEZLARI FIZIOLOGIYASI	186
Sattarova Z.R., STUDY OF THE PREVALENCE OF OVERWEIGHT IN CHILDREN AND ADOLESCENTS	191
Djalilova G.A., Rasulova N.F., Muxamedova N.S., HYGIENIC, MEDICAL AND SOCIAL ASPECTS OF HEALTH STUDIES OF DIFFERENT POPULATION GROUPS	196
Эшдавлатов Бахриддин Махаматкулович, ВЛИЯНИЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ НА ЗДОРОВЬЕ ЧЕЛОВЕКА	200
Rasulova Nilufar, Aminova Asalya, KIDNEY DISEASE AS A SOCIAL AND HYGIENIC PROBLEM	205
Таджиев Ботир Мирхошимович, Худайбердиева Чарос Курдашевна, Алимова Озода Бекмуродовна, КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОСТРОЙ ДИАРЕИ У ДЕТЕЙ С СИНДРОМОМ ГЕМОКОЛИТА	214